Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 112 (20. 679) • 1990 йил 17 май, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди шарафига

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

• Пилламиз—тилламиз

ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ

• Сурхондарё

ТЕРМИЗ. Ўзбекистон Компартиясининг бўлажак XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилаётган қўриқдаги Усмон Юсупов номли, Октябрь 60 йиллиги номли совхозларнинг пиллакорлари куни кеча ғалаба рапортига имзо чекишди.

Уларнинг ҳар бири областда биринчи бўлиб қабул пунктларига 4,5 тоннадан зиёд хом ашё етказиб беришди.

Бу ғалаба ўз-ўзидан келгани йўқ. Эрта кўкламданоқ астойдил меҳнат қилинди. Тутзорларга сифатли ишлов берилди. Пиллахоналар мавсумга пухта шайланди. Буларнинг бари коллективлар муваффақиятини таъминлади. Хўжаликларда йиллик план бажарилганига қарамай, ҳали пилла топшириш давом этмоқда. Совхозларнинг ҳар бири қабул пунктларига яна 2—3 тоннадан хом ашё сотишни мўлжалламоқдалар.

Умуман Сурхондарё области пиллакорлари бу йил пилла тайёрлашга анча эрта киришдилар. Термиз, Шеробод ва Ленин йўли районларидаги бош пилла қуритиш корхоналарига ҳозиргача ўнлаб тонна сифатли хом ашё топширилди. Область пиллакорлари бу йил давлатга 1110 тонна сифатли хом ашё сотишни кўзда тутишган.

• Қашқадарё

ҚАРШИ. Қашқадарё области колхоз ва совхозларида давлатга пилла топшириш бошлаб юборилди.

Бу ишни қўриқ Усмон Юсупов ва Баҳористон районларининг меҳнаткашлари бошлаб беришди. Куни кеча Усмон Юсупов районидаги Калинин номли, Ульянов номли, Автономов номли совхозларнинг заршунослари 25 тонна, Баҳористон районидаги Сулаймон Муродов номли хўжалик аъзолари эса 400 килограмм қимматбаҳо хом ашёни қабул пунктига етказиб бердилар.

Дастлабки натижалар ўнлаб звенолар ҳосилдорликни мўлжалдагидан оширишаётганлигидан дарак беряпти. Чунончи, Баҳористон районидаги Сулаймон Муродов номли совхозда Зайнаб Рўзимуродова, Турсун Мирзаев, Усмон Юсупов районидаги Калинин номли совхозда Жумагул Чориева, Рўзиҳол Аллаева, Ульянов номли совхозда Зулфина Хўжаева, Сайёра Сафарова бошлиқ пешқадам звенолар ҳар кути курт уруғидан 75-80 килограммдан юқори сифатли маҳсулот олишга эришмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ «ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунининг бажарилишини таъминлаш топширилди.

СССР Мудофаа министрлигининг қарори билан 1990 йил баҳорги чақириқни ўтказиш чоғида Ўзбекистон ССРдан жанговар қисмларга чақириш наряди кўпайтирилганлиги эътиборга олинди. СССР Мудофаа министрлигининг ҳарбий қурилиш отрядларига чақириш учун наряд шунга мувофиқ камайтирилди. Республикадан чақирилган ҳарбий қурувчилар хизматни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида ўтказадилар.

Ўзбекистон ССРдан чақирилган жангчилар қаерда жойлашишганидан қатъи назар ҳарбий-қурилиш отрядларида хизматни ўташ шартлари билан танишиш учун махсус комиссиялар тузишга ва бу комиссиялар таркибига халқ депутатларини ва жамоат ташкилотларининг вакилларини жалб этишга Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг алоҳида эътибори қаратилди. Комиссиялар иш натижаларига қараб, зарур деб топилганда, мазкур ҳарбий қисмларда республикадан чақирилган жангчилар ўз хизматларини бундан буён бажаришлари мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига таклифлар киритадилар.

Республика Министрлар Совети халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига ҳарбий комиссариатлар ва соғлиқни сақлаш идоралари билан биргаликда чақириқ комиссиялари аъзоларини сифатли танлашни топширди. Шу комиссиялар таркибига СССР, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари киритилади.

Чақириқ комиссиялари, деб таъкидланади қарорда, чақирилувчиларнинг малакали тиббий кўрикдан ўтказилишига ҳамда Қонунга мувофиқ чақириқни кечиктириш тўғрисидаги қоидаларга қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор беришлари керак.

Қарорда чақириқ (тўпланиш) манзилларида чақирилувчилар, уларнинг қариндошлари учун нормал маиший шароит яратиш зарурлиги таъкидланади. Корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан келишиб, армияга чақирилганлар тўшган ҳарбий эшелонларни кузатиб бориш учун уларнинг вакиллари жалб этилади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилган ҳарбий хизматчиларни ишга қабул қилиш чоғида мумкин қадар кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилиниши, уларнинг армияга чақирилгунга қадар эгаллаган ихтисосларини ва армиядаги хизмат даврида олган ихтисосларини ҳисобга олиб, ишга жойлаштириш чоралари кўрилиши керак.

ҚАРОРГА ШАРҲ

Республика Министрлар Совети куни кеча қабул қилган муҳим қарор билан танишдингиз.

Шу баҳор кунлари Ватан олдидаги ўз бурчини шараф билан бажарган минглаб йигитлар, ўғилларимиз ва укаларимиз уйга қайтмоқдалар. Улар ҳарбий хизмат даврида жисмоний чиниқдилар, билим, тажриба орттирдилар, кўплари ихтисос олдилар, энг яхшилари партияга қабул қилиндилар.

Совет идоралари, корхоналар, ташкилотларнинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ота-оналар уларни ишга жойлаштиришга, улардан армияда олган ихтисосига мувофиқ фойдаланишга эътибор билан қарашлари, уларга қулай уй-жой шароитини яратиб беришлари, ўқув юртларига киришларига кўмаклашишлари жуда муҳимдир.

Кечаги жангчиларнинг навқиронлик ғайрати, уларнинг тажриба ва билими корхоналардаги, муассасалардаги ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилашда, маънавий-руҳий вазиятни соғломлаштиришда меҳнат жамоаларига сезиларли ёрдам беради, оилага ҳотиржамлик ва фаровонлик келтиради, деб умид қилса бўлади.

Баҳорда ҳақиқий муддатли хизматга навбатдаги чақириқ ҳам бошланди. Бу чақириқ бутун мамлакат учун ҳам, республика учун ҳам мураккаб даврда ўтмоқда. Армияга қарши кайфият кучайиб бориши муносабати билан мамлакатимиз қуролли ҳимояланишга муҳтожми? — деган савол тобора ўткир қилиб қўйилмоқда. Бу саволнинг жавоби фақат битта — ҳа, муҳтож. Ватаннинг тақдири учун масъул бўлган инсон ва ватанпарвар ўз олдига ҳеч қачон бундай саволни қўйган эмас, ҳозир ҳам қўймайди.

Гап бошқа ёқда: шу хизматнинг шароитлари қандай, ота-оналар армияга кетган ўз ўғиллари учун ҳотиржам бўла оладиларми?

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, афсуски, армияда ҳозирча ҳарбий хизматчиларга шароит яратиш хусусида бир талай муаммолар бор, бир қанча бўлинмаларда ҳарбий интизом бўшашиб кетган. Жангчиларнинг ҳаёти ва турмушидаги мавжуд салбий жиҳатлар «оқсоқоллик», ҳарбий хизматчиларни таҳқирлаш, уларнинг ҳалок бўлиши фактлари аҳоли орасида кескинликни, армияга қарши кайфиятларни келтириб чиқармоқда. Республика давлат идораларига, жамоат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларига ҳарбий хизматни ўташни ташкил этишдаги катта камчиликлар ҳақида тез-тез хатлар келиб турибди.

Ўзбекистон ССР Президенти, республика Олий Совети ва ҳукумати, халқ депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари Ўзбекистондан армияга, айниқса қурилиш қисмларига йигитларнинг чақирилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни мамлакат Президенти, СССР Олий Совети ва Министрлар Совети олдига, СССР Олий Советининг доимий комитетлари олдига бир неча бор қўйдилар.

Республикамиздан армияга бораётган чақирилувчилар ҳозирча рус тилини яхши билмасликлари, жисмоний тайёргарлиги етарли эмаслиги масалалари ҳам бор.

СССР мудофаа министри шу йилнинг кўкламида Туркистон ҳарбий округидаги ҳарбий қурилиш отрядларига чақириш наряди кўпайтирилишини ўз буйруғида белгилаб берди.

Йигитларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муносабати билан катта тайёргарлик иши ўтказилиши лозим.

Совет идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунининг бажарилишини таъминлаш, чақирилувчиларнинг чақириқ манзилларига ўз вақтида етиб келишида ҳарбий комиссариатларга ёрдам бериш топширилган. Чақириқ вақтида уларга этарли техник ходимлар ва транспорт ажратилиши лозим.

Гражданлар соғлиқни сақлаш идораларига кўп таъна қилмоқдалар, бу идоралар чақирилувчиларни малакали медицина кўригидан ўтказишни таъминламаяптилар, қисмларга соғлиғида нуқсони бўлган йигитларни юбориш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг йигитларни армияга соғлом йигитларнинг чақирилиши учун масъулияти ошмоқда.

Айрим корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртларининг раҳбарлари ҳарбий комиссариатлар билан биргаликда чақирилувчиларни меҳнат жамоалари, ота-оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчиларнинг наказлари билан тантанали равишда кузатиб қолишни ҳамиша ҳам уюштираётганлари йўқ. Республикадан чақирилган жангчилар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан оталиқ алоқалари ўрнатилмаяпти ва давом эттирилмаяпти. Қарорда шу ишни тубдан яхшилаш кўзда тутилган, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан келишиб, чақирилувчилар тушган ҳарбий эшелонларга хизмат жойигача ҳамроҳ бўлиб бориш учун ўз вакилларини жалб қилишлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Жангчиларнинг ҳарбий қурилиш отрядларидаги хизмат шароитлари билан танишиш учун халқ депутатлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида махсус комиссиялар тузилади.

Ички ишлар, савдо-сотиқ идораларининг раҳбарлари олдига чақириқ ва йиғилиш манзилларида, чақирилувчиларни жўнатиш жойларида юксак интизом ва тартиб ўрнатилишини таъминлаш, бу жойларда буфетлар, чойхоналар, ошхоналарнинг ишини, энг зарур буюмлар билан савдо қилишни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Йигитларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришни уюшқоқлик билан ўтказиш — республикадаги барча совет идоралари ва жамоат ташкилотларининг масъулиятли вазифасидир.

РСФСР халқ депутатлари съезди очилди

16 май куни Москвада, Катта Кремль саройида Россия Федерацияси халқ депутатларининг биринчи съезди иш бошлади.

Съезд ишида СССР Президенти М. С. Горбачев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов, Президентлик Кенгашининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка номзодлар, КПСС Марказий Комитетининг котиблари қатнашмоқдалар.

Кун тартибининг депутатлар муҳокамасига тақдим этилган дастлабки лойиҳасига мандат комиссиясини сайлаш, съезд муваққат иш тартибининг лойиҳаси, РСФСР Олий Совети Раисини, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарини сайлаш, жумҳурият Олий Советини сайлаш, РСФСР ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Россия Федерациясининг суверенитети тўғрисидаги масалалар, РСФСР Министрлар Совети Раисини тасдиқлаш, жумҳурият Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, РСФСРнинг биринчи галдаги қонунларини ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар киритилган. Депутатлар тушдан кейин съезд кун тартиби ва иш тартибини муҳокама қилиш ҳамда тасдиқлашга киришадилар.

Биринчи мажлиснинг бошланишида эса РСФСР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси В. И. Казаков сайлов натижалари, кенг демократиялаш ва ошкоралик шароитида ўтган сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хабар қилди. Сайловда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 77 фоизи қатнашди. Бу, комиссия раисининг фикрига қараганда, юксак кўрсаткичдир, айни вақтда овоз беришга мажбур қилиш ҳоллари амалда бўлмаганлигини ҳисобга олиш керак.

Комиссия раиси съездга 1059 депутат сайланганини маълум қилди.

Ҳозирча 9 та ўрин бўш турибди. Съезд депутатларининг 94 фоизи биринчи марта сайланди. Депутатлар орасида хотин-қизлар 5,3 фоизни, ишчилар 5,6 фоизни, оддий колхозчилар 6 кишини ташкил этади, бир талаба бор. Депутатлар таркуми таркибида КПСС аъзолари ва аъзоликка номзодлар 86 фоизни ташкил этади.

Шундан сўнг овоз бериш электрон системасини фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссиясининг раиси ундан фойдаланиш қоидалари тўғрисида гапириб берди. Овоз бериш электрон системаси ишини назорат қилиш учун халқ депутатлари гуруҳи тузилди. Овозларни санаш учун депутатлар гуруҳи ҳам сайланди.

Депутатлар эрталабки мажлисда кун тартибидаги съездни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

(ТАСС).

ҚЎНГИЛДАГИ ИШ БЎЛДИ

● Редакциямизга ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳақида қалб ндолари битилган мактублар кўплаб келмоқда. Бинси, оилада йигит бўлиб, эндигина қадди бастини ростлаган ёшнинг ҳарбий хизматга отланиши, Ватан, эл-юрт олдидаги бурчини адо этишга шайланиши ташвишга айланиб қолаётган эди. Сабаб, мамлакатимиз турли бурчакларида ҳарбий хизматни ўташга чоғланган йигитларимизнинг айримлари ҳарбий қурилиш қисмлари ё бўлинмаларидаги тартибсизлик, «оқсоқолчилик» оқибатида майиб-мажруҳ бўлиб қайтмоқдалар. Гоҳида эса жойларда аза очишга мажбур бўлинмоқда.

Ниҳоят, бу борадаги нохушликларга барҳам берилиб, Қурилиш ҳарбий қисмларига юборилган ўзбекистонлик йигитларни Туркистон Ҳарбий Округи нхтиёрида қолдириш ҳақидаги қарор кўпчиликнинг муддаоси бўлди. Қуйида газетхонларнинг ўз мамнуниятларини изҳор этган дастлабки хатларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ДАДИЛ ҚАДАМ

С. ОХУНЖОНОВ,
истеъфодаги генерал-лейтенант, Тошкент шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раиси:

— Гапнинг сирасини айтганда, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишга ҳаракат қилаётган жумҳуриятимизда йигитларни ҳарбий хизматга чақириш юзасидан дадил қадам қўйилди, деса бўлади. Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этиш қанчалик фахрли бўлса, айни чоғда шунчалик масъулиятлидир. Болажон халқимизда йигитларнинг ой бориб, омон қайтишини, не ҳасратда вояга етказган фарзанди билан эсон-омон дийдор кўришишни ким истамайди, дейсиз. Афсуски, кейинги пайтларда бирмунча дилхираликлар бўлди. Мана, энди ҳарбий қурилиш қисмларида гоҳида бўлса ҳам юз берайётган нохуш воқеаларнинг олди олинадиган бўлди. Жумҳурият йигитлари ҳарбий қурувчилик хизматини ҳарбий округимиз теграсида ўтаб қайтадиган бўлишади.

БАРАКА ТОПСИН

М. ТУХТАЕВА,
Тошкент, кўп болали она:

— Фарзандларимдан тўрттаси ўғил, уларнинг ҳар бири йигит ёшида. Бундан кўнглим тўқ. Айниқса, армия сафига чақирилишидан ҳатто фахрланган эдим. Дарҳақиқат, уларнинг тўнғичи планшетчи бўлиб хизмат қилди. Армиядан офицер бўлиб келди. Иккинчи ўғлим ҳам танк қисмида бўлди. Учинчиси эса ўз хизмат бурчини Магаданда ўтаб қайтди. Улар ўз солдатлик бурчларини яхши адо этишди, деса бўлади.

Лекин, тўртинчи ўғлим Тоҳиржон қурилиш батальонига тушиб қолди. Майли, пешонасида бор экан кўп қатори эсон-омон бориб келсин деб ўз-ўзимга таскин бердим. Лекин юрагимнинг бир чети ғаш бўлиб қолди.

Ўтган йилнинг кеч кузида у хизмат қилаётган шаҳарга, Читага бориб келдим. Лекин ўғлим ва у билан бирга кетган тенгқурлари хизмат қилаётган шароитни ўз кўзим билан кўриб ич-ичимдан ўртандим. Наҳотки, армия шундай... Наҳотки, жондан азиз фарзандларимиз шундай алпозда хизмат қилишса? Мен у ерда кўрганбилганларимни муфассал айтмай қўя қолай. Лекин, бундай шароитга тоқат қилиб бўлмайди. Ўрта Осиё иқлими шароитида ўсган йигитлар учун у ернинг шароити, тартиби мутлақо тескари экан. Уларнинг кўпчилиги касаламанд, майиб бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас. Ахир, ўзлари катта бўлган, кўниккан юрт шароитида хизмат қилишса бўлмасмикин, деган фикр қалбимни чулғаб олган эди.

Республикамиздаги йигитларнинг қурилиш ҳарбий қисмларига чақириладиганлари бундан буён фақат Туркистон Ҳарбий Округида хизмат қиларканлар. Бу мени ниҳоятда хурсанд қилди. Гарчи ҳозир менинг ўғлим ўша совуқ ерларда хизмат қилаётган бўлса ҳам бундан буён юртимизнинг фарзандлари шу ерда қолишидан мамнунман. Шу туфайли ҳукуматимизга билдирадиган миннатдорчилигимиз чексиз. Бу ғамхўрликка нисбатан барака топинглар, дегим келади.

НИЯТИМИЗ РЎЁБДА

Х. АББОСОВА,
кўп болали она:

— Жумҳурият пойтахти яқинидаги Келес шаҳрида истиқомат қиламиз. Армияда қурилишда хизмат қилаётганлар ҳақида аллақандай шов-шув гаплар қулоққа чалиниб, эзилиб юрардим. Кўнгилдаги гапни тилимга чиқаролмай, доғда юрардик. Ахир, ўғлим Абдусаттор Белоруссияда—қурилишда хизмат қилади-да. Жумҳуриятимиз ҳукумати йигитларимиз ҳарбий хизматни Туркистон Ҳарбий Округи худудида ўташи ҳақидаги қарорга имзо чекиб, кўнглимиздаги ишни бажо келтирди. Биз, оналарнинг бирдан-бир нияти — болаларимиз соғ-омон ўсишсин, вояга етишсин, эл-юртга хизмат қилишсин, деймиз. Тинч замонда, кутилмаганда шум хабарнинг тарқалишини ҳеч бир оилага раво кўрмаймиз. Шу жиҳатдан ҳам жумҳуриятимизда рўёбга чиқарилган хайрли тадбир жуда савобли ишлардан бўлди.

АЙНИ МУДДАО

Э. ЖУРАЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси:

— Беш йиллик қирғинбарот урушида жанг қилиб, бирликни, ҳамжиҳатликни, ҳамкорликни, тўғрироғи, оғаниликни кўпроқ ҳис этган эдик. Улуғ Ватан урушида Варшава шаҳригача фронтдошлар билан елкама-елка туриб, Ватан озодлиги учун курашдик. Ҳеч ким бировнинг миллати ҳақида фикр юритмасди. Биз фақат келажак ҳақида, бугунги осуда турмуш ҳақида кўпроқ ўйлардик.

Бугунги кунга келиб, ёшлар ўртасида қандайдир ғайирлик пайдо бўлибдики, оқибатидан вужудинг қалтирайди. Хайтовур бундай бемазагарчиликка нуқта қўйилди, чоғи. Эндиликда сўз билан иш бирлигига қатъий амал қилиниб, йигитларнинг ҳарбий қурувчилик хизмати билан боғлиқ юмушлар Туркистон Ҳарбий Округи зиммасига юкланиши хайрли тадбирлардан биридир. Ўйлайманки, бизнинг Оржоникидзе район «Касаба» маҳалласидан ҳарбий хизматга отланганларнинг омон қайтишларига йўл очилди. Набирам Иброҳимни эса, хизматга чоғлаб турибман.

МЕҲМОННИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

15 май куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев билан МАР Президенти Ҳ. Муборакнинг музокаралари бўлиб ўтди. Бу музокаралар асосан яккама-якка, сўнгра делегациялар тартибида ўтказилди.

Учрашувда Э. А. Шеварднадзе, Е. М. Примаков, бошқа расмий кишилар, Миср томонидан — МАР Президентига ҳамроҳ бўлиб келган расмий кишилар қатнашдилар.

Шу куни М. С. Горбачев билан Ҳ. Муборак Совет-Миср баёнотини имзоладилар.

СССР билан МАР ўртасида 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий, савдо-сотиқ ва фан-техника ҳамкорлиги узоқ муддатли дастурини СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. А. Ситарян билан МАР Бош министрининг ўринбосари Камол ал-Ганзурий имзоладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Президентининг сафарлари

СССР Президенти М. С. Горбачев Канада ҳукуматининг таклифига биноан шу йил 29-30 май кунлари давлат ташрифи билан Канадага боради.

Илгари хабар қилинганидек, М. С. Горбачев Америка Қўшма Штатларига ташриф буюради. Шу йил 30 майдан 4 июнгача давом этадиган давлат ташрифи программасида АҚШ Президенти Ж. Буш билан Вашингтонда музокара олиб бориш, шунингдек мамлакат бўйлаб қисқача сафар қилиш кўзда тутилган.

(ТАСС).



ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

МАТЛУБОТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Хоразм вилояти матлуботчилари ўртасидаги социалистик мусобақада ким олдинда бораётир? Маҳсулот оборoти плани қандай бажарилаётир?

Бу саволга область матлубот жамиятидан олинган маълумотга қараб жавоб бериш мумкин. Шовот райони меҳнат аҳли мусобақада олдинда. Кундалик рўзғор маҳсулотлари ва узоқ муддатга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрлаб, уларни қишлоқ меҳнаткашларига етказиб бериш йўлида самарали иш олиб борилмоқда.

Ун иккинчи беш йилликнинг якунловчи йили ўтган ойлари планлари муваффақиятли бажарилди.

Ўзбекистон ахборот агентлиги суратқаши Қ. Отаев Хоразм воҳасининг Шовот районида бўлиб, ушбу лавҳаларни суратга туширди. Ўнгдаги суратда Шовот районидаги магазин сотувчиси Дармон Собирович кўриб турибсиз. У «Совет савдоси аълочиси», «Совет матлубот кооперацияси аълочиси» унвонларини олган. Чапдаги суратда райондаги дурадгорлик цехи тасвирланган. Бу ерда турли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Дурадгорлар Қосим Ёрматов (чапда) ва Даврон Раҳимов буюртмаларни ўз вақтида бажариб, эл ҳурматини қозонишмоқда.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ҚАРШИ, 16 май. (ЎзТАГ). Бу ерда Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари бўлажак область партия конференцияси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари А. Р. Отажонов доклад қилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. М. Ф. Солдатов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Қашқадарё область партия комитети иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аппаратида ишлаган Б. М. Рустамов область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

— Турли сабабларга кўра, биринчи навбатда партия аъзолигига қабулнинг юқоридан белгилаб берилиши оқибатида шу пайтгача партия аъзоси бўлишдай энг эзгу мақсадимизга эришолмай келдик. Биз асло партия сафига бирор шахсий манфаатимизни кўзлаб ёки қандайдир имтиёзлардан фойдаланишни ўйлаб кирмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз —жамиятда мураккаб жараёнлар кечаётган, партия обрўси ҳақида баҳс-мунозаралар қучаяётган бир пайтда коммунистлар сафида туриб қайта қуриш ишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

• Партия аъзолигига қабул

Яқинда Киров райони меҳнат коллективларида ишлаётган бир гуруҳ ёшларнинг область партия комитетига йўллаган мурожаатида мана шундай сатрлар бор. Дарҳақиқат, қайта қуриш жараёнида партия ҳаётида ҳам жуда муҳим жараёнлар содир бўляпти. Уни пароканда қилиш учун ўнг ва сўлдан турли ҳуружлар бўлиб турибди. Мана шундай кунларда унинг келажаги ҳақида қайғураётган ёшларнинг интилиши таҳсинга сазовор.

— КПСС дарҳақиқат оғир дамларни бошидан кечиряпти, — дейди Тошлоқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси М. Машрапова. — Кавказорти воқеалари пайтида айрим гумроҳларнинг улуғ Ленин расми туширилган партия билетини ёққанлигини кўриб, даҳшатга тушдим. Мен ана шу номардларга қарши янгиланаётган партия сафларида туриб курашмоқчиман.

Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқимачилик корхонаси норма белгиловчиси Ш. Абдуваҳитов, Фарғона ипакчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси пиллакашлик фабрикасининг комсомол комитети секретари Н. Мамажонов, Бешариқ шаҳрилик инженер Т. Туронов, Марғилондаги 49-билим юрти ўқитувчиси Т. Иминова ва бошқа юзлаб ёшлар шу кунларда партия сафига ўтиш ҳақида ариза бердилар. Бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул қилишни сунъий равишда юқоридан бошқариб туришдай яроқсиз иш услубидан воз кечиб, бу борадаги ҳар қандай тўсиқ ва чеклашларга барҳам беришга қарор қилдилар. Қисқасини айтганда партияга, «фалончи ишчи, фалончи чорвадорни қабул қилиш» каби кўрсатмалар бекор қилинди. Бу эса партия сафларини ҳалол, жонкуяр, принципиал кишилар билан мустаҳкамлаш имконини беряпти.

— Бошланғич партия ташкилотлари ўз тақдирини Коммунистик партия тақдири билан боғлашни истаган ҳар бир кишининг аризасини кўриб чиқиб, йиғилишлар муҳокамасига қўйяпти, — дейди Фарғона область партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири В. Комаров. — Шу кунларда Киров райони бошланғич партия ташкилотлари 105 кишининг ҳужжатини, Ленинград районида 100 та, Фарғона районида 100 та, Ўзбекистон районида 90 та партияга қабул ҳақида тушган ариза юзасидан ҳужжатлар тайёрладилар. Умуман ҳозирги кунгача область бошланғич партия ташкилотларига 800 дан ортиқ шундай мазмундаги аризалар тушди.

Ҳа, кимнинг ким эканлиги аён бўлаётган шу кунларда одамлар партия сафига фақат қалб даъвати билан кирмоқдалар. Уларнинг чинакам курашчан коммунистлар бўлишига ишонч катта.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШАББУС ОММАЛАШМОҚДА

Жиззах районидаги «Москва» ҳамда Навоий номли жамоа хўжаликлари раҳбарияти жумҳуриятимиз партия ва ҳукуматининг пенсионерларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги амалий ҳаракатларига жавобан кам даромадли оилаларни қўшимча нафақа билан таъминлашга қарор қилди.

Жамоа хўжаликларида ҳар бир оиладаги шарт-шароитни пухта ўрганиш юзасидан олиб борилган ўзига хос тадқиқотлардан кейин 2437 кам даромадли оилага қўшимча нафақа тайинлашга киришилди. Партия ва меҳнат фахриялари оилалари учун «Москва» жамоа хўжаликларида йил охиригача 94 минг сўм, Навоий номли жамоа хўжалигида эса 68 минг сўм тарқатилади.

— Ташаббуснинг кенг оммалашаётгани қувонарлидир, — дейди область ижтимоий таъминот бўлими мудири Раҳим Расулов. — Апрель ойининг ўзидаёқ областдаги саноат, қурилиш, транспорт ташкилотларининг 143 тасида 2,5 минг нафарга яқин қўшимча нафақага муҳтож пенсионер борлиги аниқланиб, уларга турли ҳажмда маблағ тайинланди. Шунингдек, жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш да бевосита иштирок этган, бугунги кунда фахрий дам олишда бўлган 18 минг 545 нафар қария, қишлоқларда яшаётган 829 нафар Қаҳрамон она ҳам шундай имтиёзга эга бўлдилар.

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз раҳбарияти қарияларни тақдирлашнинг ўзига хос йўлини танлади. Давлатдан энг кам нафақа олувчиларнинг ойлик нафақалари умумий миқдори 100 сўмдан оз бўлмасин деган фикр илгари сурилди.

— Кўрсатилаётган меҳр-мурувватдан ниҳоятда хурсандман, — дейди фахрия Қўйсиной Азимова қувончини яширолмай. — Нафақамга 30 сўм, Қаҳрамон оналигим учун 50 сўм қўшилди. Энди ҳар ойда 150 сўм оламан. Қолаверса, болалари мизга давлат томонидан бепул нонушта бериляпти...

Дарвоқе хўжаликнинг ўзи ҳам болаларга ғамхўрликни эътибордан четда қолдирмади. Умумий йиғилишда меҳнат фахрияси Малла Азимов хўжалик маблағи ҳисобига аълочи ўқувчиларни тақдирлашни таклиф этди. Энди ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳам маълум миқдорда тақдирланадиган бўлди.

Ибратли ташаббус қўрқ вилоятда тобора кўпроқ издошларини топмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух бири.

- Коммунист бўлиш орзусидаги кишилар кўп.
- Кўрсатмалар бекор қилинди..
- Партия сафи энг муносиб ва садоқатли кишилар билан тўлякти.
- Райком нега чалғиди?
- Зўраки айб тасдиқланмади.
- Бошланғич ташкилот фикри қатъий бўлиши керак.
- Ҳақиқат қарор топди.

Олияни эл-юрт назаригa туширган унинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги бўлди. У олий маълумотли пиллакор эди, бир неча йил давомида Элликқалъа районидаги «Қирққиз» совхозида маданий ишлар бўйича директор муовини бўлиб ишлади. Коллективга раҳбарлик қобилияти худди ана шу даврда яққол намоён бўлди. Хўжалик коммунистлари яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида Олия Ражабовани ўзларига етакчи қилиб сайлаганлари сабаби ҳам шунда. Янги котиба дастлабки кунданоқ партия ташкилотида туб ўзгаришлар ясашга киришди, демократия ва ошкоралик, коллектив раҳбарлик, ижрони изчил назорат қилиб бориш қатъий қарор топиб боряпти, танқид ва ўз-ўзини танқид кучаймоқда. Хўжаликда О. Ражабова чорвадор фермер сифатида ҳам намуна бўлаётир. Унинг оиласи бу йил давлатга 5 тонна гўшт, 20 тонна сут етказиб беришга қарор қилган. Суратда: Олия Ражабова.

Э. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

• Партия турмуши: КПСС Устави лойиҳаси ҳақида

«Партияга доғ туширадиган, унинг Устави талабларига мувофиқ келмайдиган феъл-атвори учун партия аъзоси КПСС дан чиқарилгандан кейин бошланғич партия ташкилотининг ёки юқори партия органининг қарорига биноан КПССга аъзолик тўхтатилади. Суд томонидан жавобгарликка тортиладиган жиноят қилишда айбдор деб топилган партия аъзоси ҳукм қонуний кучга киргандан кейин КПССдан чиқарилиши лозим», — деб таъкидланган партиямиз янги Устави лойиҳасида.

Амалдаги КПСС Уставида эса бу масаладаги мавҳумлик бухоролик коммунист Ҳаёт Ҳайдаровнинг партия сафидан ноҳақ чиқарилишига, узоқ муддатга қамоққа ҳукм этилишига сабабчи бўлди. Қуйидаги мақолада мана шу жиноий иш ва ундан келиб чиқадиган сабоқлар тўғрисида фикр юритилади.

ГУМОН

— Ҳаммаси Бухоро шаҳар Тўқимачилик район ички ишлар бўлими ОБХСС инспектори Ф. Сулаймоновнинг Ленин номли матлубот жамияти ҳисобидаги мен мудирлик қиладиган қурилиш материаллари магазинига тез-тез қатнаб қолишидан бошланди, — деб чуқур уф тортиб эслайди Ҳаёт Ҳайдаров. — Лекин бундай қатнашлардан мақсад савдодаги суиистеъмолликларнинг пайини қирқиш эмас, балки шахсий манфаат кўриш экан. У хизмат мавқеини рўкач қилиб мендан тақчил ёғоч ва тахтани навбатдан ташқари сотишни талаб қилди. Халқимизда ўйнашмагин арбоб билан, деган гап бор, унинг талабини қондиришимга тўғри келди. Кўп ўтмай у яна шундай талаб билан магазин остонасида пайдо бўлди. Бу сафар унга рад жавобини бердим. Шундан кейин у қилғилиғини бошлади...

Ҳаёт Ҳайдаровнинг эслашига кўра, худди мана шу инспекторнинг ташаббуси билан 1985 йил баҳорида гўёки у харидор ҳақидан катта миқдорда уриб қолганлиги тўғрисида жиноий иш уюштирилади. Ажабланарли томони шундаки, ҳеч ким унинг харидор ҳақидан уриб қолгани устидан чиқиб қўлидан ушлагани йўқ, унинг «гуноҳи»ни исботловчи далиллар юрист бўлмаган кишида ҳам шубҳа туғдиради.

Бироқ «қайси бир магазин мудири, айниқса қурилиш материаллари магазини мудири ўғри эмас!». Тергов жараёнида мана шу гумон ҳар қандай далилдан устун келди. Тўқимачилик район ички ишлар бўлими Ҳ. Ҳайдаровни жиноий жавобгарликка тортиб айбини унга эълон қилди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай Бухоро район партия комитети биринчи котиби А. В. Альмеев номига тақдимнома жўнатиб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149-моддаси ҳамда 174-моддасининг II қисми бўйича айби эълон қилинган Ҳ. Ҳайдаровни партиядан чиқариш масаласини ҳал қилишни сўрадилар.

Эътибор қилинг-а, ҳали коммунист бўйнига қўйилган айб прокурор томонидан тасдиқланмай ва суд ҳукм чиқармай туриб, партия комитетидан уни КПСС safidan ўчириш сўралмоқда. Аммо бу партия ички турмушида одатдан ташқари ҳодиса эмас. Амалдаги Уставимиз бўйича ҳозир ҳам ҳатто коммунист бўлмаган терговчи мана шундай бир тақдимнома билан КПСС аъзоси тақдирини ҳал қилиши ҳеч гап эмас. Саксонинчи йилларнинг ўртасида эса «ўзбеклар иши» муносабати билан Бухорода бундай ҳол оддий воқеага айланиб қолган эди.

Ўшанда биринчи котиб А. Альмеев тақдимномани олгач, масалани матлубот жамияти бошланғич партия ташкилотига ҳавола этди. Бошланғич ташкилот эса тақдимномага рози бўлмай Ҳ. Ҳайдаровни партия safidan чиқаришга қарши бўлди. Район партия комитети бюро мажлиси бунинг учун бошланғич ташкилотни либералликда айблади ва унинг қарорини бекор қилиб, айбланувчини КПСС safidan ўзи ўчирди. Чунки чўнтагида партия билети бўлган киши суд курсисига ўтқазилиши мумкин эмас, бу партия обрўйига тажовуз ҳисобланарди-да.

1986 йил 4 октябрида Тўқимачилик район халқ судининг ҳайъати Ҳ. Ҳайдаровни жиноят кодексининг юқорида номланган моддалари бўйича айбдор деб топиб, тўрт ярим йил муддатга умумий режимдаги қамоқ жазосига ҳукм этди.

Ҳаёт Ҳайдаров қамоқдан туриб ҳукмнинг нотўғри эканлиги тўғрисида кўплаб шикоятлар ёзди. Жиноий иш шунга асосан область судларида такрор ва такрор кўрилган бўлса-да ҳукм ўзгаришсиз қолди. Гумон қонундан кучлилик қилди. Фақат орадан бир ярим йил ўтганидан кейингина Ўзбекистон ССР Олий суди Жиноий ишлар бўйича коллегияси биринчи инстанциядаги суд ишни ҳар томонлама ва ҳаққоний тадқиқ этмаганини асослаб берди ҳамда жиноий иш бўйича барча даражадаги судларнинг қарорларини бекор қилиб, ишни қайтадан кўриб чиқиш учун яна Тўқимачилик район халқ судига жўнатди. Ноҳақ ҳукм чиқарилишига айбдор маъмурий, прокуратура ва суд ходимларининг қонунсиз хатти-ҳаракатларини тегишли тарзда баҳолаш учун жумҳурият прокуратураси, адлия ва ички ишлар министрликларига ажрим юборилди.

Тўқимачилик район халқ суди янги составдаги ҳайъатида яна Ҳ. Ҳайдаров бўйнига қандайдир айбларни қўйишга уринди. 1989 йил 2-февралида жумҳурият Олий судининг Жиноий ишлар коллегияси яна бу ишга қайтиб районнинг кейинги ҳукмини ҳам кодекснинг 175-моддаси II қисми билан оқлаш асосларида бекор қилди. Озодликка чиққан Ҳ. Ҳайдаровга ишламаган даври учун Бухоро шаҳар ижроия комитети давлат бюджети ҳисобидан 6542 сўмни тўлади.

Ҳаёт Ҳайдаров озодликка чиққандан кейин ёзган дастлабки аризаси райкомнинг биринчи котиби А. Альмеев номига бўлди. Ариза уни партия сафларига қайта тиклаш тўғрисида эди. Масала ҳал қилиш учун яна бошланғич партия ташкилотига ҳавола этилди. Табийки, бошланғич ташкилот масалани ижобий ҳал этиб қарор қабул қилди.

Райком бошланғич ташкилот қарори билан кифояланмасдан, партия комиссиясини ҳам бу ишга сафарбар этди. Комиссия аъзолари барча суд материалларини қайтадан синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Матлубот жамиятида бўлиб, у билан бирга ишлаган коммунист ва партиясизларнинг фикрини ўргандилар. Пировардида комиссия ўз йиғилишида Ҳ. Ҳайдаровни партия сафига тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Район партия комитетининг бюро мажлисида эса бу масалада яна қаттиқ мунозара бўлиб ўтди. Кўпчилик овоз билан Ҳ. Ҳайдаров партия аъзолигига тикланишга нолойиқ деб топилди. «Қайси магазинчи ўғри эмас!» деган гумон жумҳурият суд ҳокимиятининг олий кенгаши қароридан ҳам устунлик қилмоқда эди.

Аслида қилни қирқ ёриб, адолатни юзага чиқариш вазифаси бўлган район партия комитети бюросининг бу адолатсизлиги Ҳ. Ҳайдаровни яна адолат излашга мажбур этди. У «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси, область партия комитетига мурожаат қилди. Худди мана шу кунларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қилинган маърузада кишиларга нисбатан ишонч уларда ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаши, ишончсизлик ва холисона муносабатда бўлмаслик эса одамларнинг ҳафсаласини пир қилиши тўғрисида оқилона фикрлар билдирилди. Ленин номли матлубот жамияти бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Ҳ. Саидов газетамизнинг ўтган йили 29 август сонида Ҳ. Ҳайдаровга нисбатан бўлаётган адолатсизлик тўғрисида мақоласи билан иштирок қилди. Обкомнинг партия комиссияси иш юзасидан ҳужжатларни ўрганиб, район партия комитети бюросига масалани қайта кўриб чиқишни тавсия этди.

Фақат шундан кейингина район партия комитетининг бюроси Ҳ. Ҳайдаров ҳақида қабул қилган қарорини бекор этиб, уни КПСС аъзолигига тиклади.

Биз мазкур мақола учун материал тўплаётиб турли даражадаги партия ходимлари билан мулоқотда бўлдик. Партия сафига қайта тикланган Ҳ. Ҳайдаров тўғрисида турли-туман гумонларни эшитдик. Лекин биз барпо этилаётган ҳуқуқий давлатда одамни ҳар хил гумонларга асосланиб жазолаш мумкин эмас. Бунинг учун одил судлов ҳукми керак.

Кейинги беш йил ичида область партия ташкилотларида 1326 коммунистни партия сафларидан турли суиистеъмолликлари учун чиқаришга тўғри келди. Кейинчалик эса улардан 40 киши қайтадан партия аъзолигига тикланди. Ҳаёт Ҳайдаров шулардан бири. Жиноий жавобгарликка тортилиб кейин оқланган коммунистларга уларга етказилган зарарни қоплаш учун давлат ҳисобидан қанча маблағ тўланганини бизлар ҳеч қаерда аниқлай олмадик. На область молия бўлими, на банк ташкилотлари бунинг аниқ ҳисоб-китобини олиб боришмаган. Аниқланган тақдирда эса бу жуда катта рақам бўлиши шубҳасиз.

Партия Устави бир моддасидаги ноаниқлик жамиятимизга мана шундай ҳам моддий, ҳам маънавий зиён етказди. Шунинг учун ҳам область партия ташкилотларида бўлган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар янги Устав лойиҳасини чин дилдан қўллаб-қувватламоқдалар. Айниқса, ундаги бешинчи модда коммунистни панадан туриб отилган туҳмат тошидан асрайди.

Ҳаёт Ҳайдаров «иши» юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг ташаббускори бўлган Сулаймонов эса айни пайтда ички ишлар органларида ишламайди. У бошқа бир жиноий иш учун асос бўлган материалларни қалбакилаштиришга урингани сабабли область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан аллақачон хизмат вазифасидан ҳайдалган...

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух бири.

Ниҳоят пенсиялар тўғрисидаги Қонун қабул қилинди

Бирор қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар эҳтироси СССР гражданларининг пенсия таъминоти тўғрисидаги масала муҳокама қилинган пайтдагидек авжга чиқмаган эди. 15 май куни ҳам бундан истисно бўлмади, шу куни СССР Олий Совети палаталарининг қўшма мажлисида тегишли қонун лойиҳасининг сўнгги «мунозарали» моддалари кўриб чиқилди.

Эслатиб ўтамиз, бир кун олдин сессияда қонун лойиҳасининг зиддиятли мулоҳазаларни келтириб чиқарган қоидаларида ўзаро келишув йўлларини излаш учун икки комиссия — келиштириш ва таҳрир комиссиялари тузилган эди. Ярим кечагача ва ҳатто мажлис олдидан эрталаб ҳам давом этган ана шу иш натижалари тўғрисида Иттифоқ Совети меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси Н. Н. Гриценко ахборот берди. Депутатлар ҳар бир моддага киритиладиган тузатишларни алоҳида-алоҳида муҳокама қилар эканлар, портлардаги докерлар ва механизаторларга, денгиз ва дарё флоти ҳамда балиқ саноатининг кемаларда юрадиган ходимларига тааллуқли қоидаларни кўриб чиқдилар, меҳнаткашларнинг ана шу тоифалари пенсия таъминотини анча яхшилайдиган тузатишларни қабул қилдилар.

• СССР Олий Совети учинчи сессиясида

Буёғига ҳам айрим моддаларга тузатишларнинг муҳокамаси худди шундай умидбахш руҳда ўтиши, мумкин эди. Лекин депутат А. Г. Журавлев сўз олиб, залда ўтирганларга: «Биз нима қиляпмиз, ахир? деди. Унинг нутқи моҳияти шундан иборатки, пенсия тўғрисидаги бундай қонунга ҳеч қандай иқтисодиёт бардош бера олмайди ва ҳеч қандай ҳукумат унинг ҳақиқатан бажарилишини таъминлай олмайди — бизнингча, бу гапда жон бор. Депутат қонун лойиҳасига тузатишларнинг бутун мажмуини кўриб чиқишга чинакам давлат манфаатларини кўзлаб ёндашишга чақирди.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган тракторчи-машинистларга 55 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқини бериш керакми ёки керак эмасми, деган масалани муҳокама қилиш қонунни қабул қилиш йўлидаги энг сўнгги ғов бўлди. Бундай механизаторлар умуман мамлакатда деярли 2,5 миллион киши эканлиги ҳисобга олинса — бу жуда жиддий масала. Кеча ҳам шу масала кўтарилган ва ҳатто овозга қўйилган эди. Ўшанда палаталарнинг фикри ҳар хил чиқди: Миллатлар Совети ёқлаб овоз берган бўлса, Иттифоқ Совети қарши овоз берди. Ҳукумат эса тузатиш қабул қилинмасин, деган фикрни айтди. СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин бу фикрни исботлаш учун далил келтириб, бу қоида механизаторларнинг оммавий равишда пенсияга чиқиб кетишига сабаб бўлади, кейин далада ким ишлайди, деди. Бунинг устига, харажат ҳам кўп бўлади: дастлабки икки йилда — 1 миллиард сўмдан, кейинги йилларда эса 500 миллион сўмдан сарфланади.

Булар жиддий далиллар албатта. Лекин аграр соҳадан сайланган депутатларнинг ушбу тузатишни қабул қилиш фойдасига келтирган далиллари ҳам жуда салмоқли эди. Халқ хўжалигининг мана шу соҳасида ишлаётган ходимларнинг жуда катта жисмоний ва маънавий кучғайрат сарфлашининг ўрнини тўлдириш зарурати билан изоҳланади ҳамда ёшларни меҳнатга жалб қилишга кўмаклашади. Узоқ давом этган баҳслардан сўнг масала овозга қўйилди. Натижада «баҳсли» тузатиш қабул қилинди ва у қарсаклар билан кутиб олинди, ҳозир парламентда камдан-кам қарорлар қарсак билан кутиб олинмоқда.

Шундан кейин ҳам депутатлар овозга қўйилган моддаларга қайта-қайта мурожаат қилдилар. Қонунчилик комитетининг раиси Ю. Х. Калмиков сўзга чиқиб, депутатларни вақтни аяшга ва такрорий овозга қўймасликка чақиргандан кейингина қонунни умуман қабул қилиш тўғрисидаги қарорга келинди.

Олий Совет аъзолари камдан-кам учрайдиган якдилликни кўрсатдилар — ҳар бир палатадан 190 депутат қонунни ёқлаб овоз берди. «СССРда гражданларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонун қабул қилинди.

А. АЛЕХИН,
И. НОВИКОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбирлари.

«ЛЕНИН—СОЦИАЛИЗМ—ҚАЙТА ҚУРИШ»

— Бу шиор Владимир Ильич таваллудининг 120 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуманнинг мазмуни ва йўналишини белгилаб берди. 15 май куни бўлган бу учрашувга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси турли илмий фанлар вакиллари, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент бўлими, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти, Тошкент шаҳар партия комитети ходимлари таклиф этилди.

В. И. Ленин ғоявий меросининг турли жиҳатларини муҳокама қилган файласуфлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар унинг долзарблигини таъкидладилар. Биз Ленин йўлига қиёслаб, бугунги кунда ҳам бутун дунёни тўлқинлантираётган муаммоларга жавоб оламиз. Ўз нутқларини давлат, совет федерациясини ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, қайта қуриш шароитида социалистик ҳуқуқ ва унинг вазифалари муаммоларига бағишлаган анжуман қатнашчилари Владимир Ильич асарларига худди шу жиҳатдан мурожаат этдилар...

Бир қанча нутқлар ленинча концепцияларга ва унинг ташаббуси билан рўёбга чиқарилган амалий ишларга бағишланди, ана шу тадбирлар Ўзбекистондаги, бутун Ўрта Осиёдаги ўзгартишларга самарали таъсир қилди.

Айни вақтда баъзан Ленин ғояларини бузиб кўрсатадиган иқтибозчиликка (цитатабозлик), ақидапарастлик билан талқин этишга қарши ўлароқ Ленин меросини ижодий ўзлаштириш зарурлиги таъкидланди. Шу муносабат билан В. И. Ленин меросини ҳозирги шароитда тарғиб қилишга доир бир қанча аниқ-равшан мулоҳазалар айтилди.

(ЎзТАГ).

МЕҲМОННИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг Ҳ. Муборак билан учрашуви бўлди, Совет—Миср муносабатларининг асосий масалалари, иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларнинг ҳолати кўриб чиқилди, келгуси даврда шу алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари ижобий баҳоланди.

СССР ҳукуматининг бошлиғи билан МАР Президенти СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Миср Совет Иттифоқида. 1990» кўргазмасини тантанали очиш маросимида қатнашдилар. Бу ерда Миснинг 120 та фирмаси аҳолига мўлжалланган ва Совет Иттифоқига экспорт қилиш учун таклиф этиладиган молларни намойиш қилмоқда.

СССР Президенти ва Р. М. Горбачева номидан Ҳ. Муборак ва С. Муборак шарафига зиёфат берилди.

Меҳмоннинг сафарида ҳамроҳлик қилаётган миср-лик расмий кишилар у билан бирга ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан М. С. Горбачев рафиқаси билан, Н. И. Рижков, СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар бор эди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев ва Ҳ. Муборак нутқ сўзладилар.

Ҳ. Муборак В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Тошкент вагон депоси коллективи янги имкониятни ишга солди. Илгари бу ерда йўловчи ташийдиган вагонларгина ремонт қилинар эди. Эндиликда қишлоқ хўжалиги техникаси, автомашиналар, сочилувчан юклар ва ёғоч-тахта материаллари ташишга мўлжалланган темир йўл платформалари ҳам ремонт қилиняпти. Шу мақсадда депода катта ремонт цехи қурилиб, ишга туширилди. Унда вагон ғилдираклари, автотирков-тормоз ускуналари ва бошқа жиҳозлар қайтадан тикланяпти.

Янги цех ишчилари жорий йилда 350 та платформани қайта созлаб беришга, келгусида эса бу рақамни икки баравар оширишга аҳд қилишган.

Айни кунларда цехда иш қизғин. А. Худойбердиев, Ш. Шамсиев, Е. Утамишев синғари тажрибали ремонтчилар зиммадаги вазифани аъло даражада бажаришяпти.

Суратда: илғор пайвандловчи Едгор Утамишев.

Г. ИГНАТЬЕВ ва Р. ШАМСИДДИНОВ суратн (ЎзТАГ).



• *Дўстлик унутилмайди* •

ИККИ ЮРТ ФАРЗАНДИ

Варганзаликлар ширин-шакар анорлари билан эмас, шу қишлоқда таваллуд топиб, илм-фан соҳасида кашфиёт яратган ҳамқишлоқлари билан ҳам фахрланадилар. Қардош Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Мирзоев ана шундай кишилардан биридир.

...Абдулғани ака ўзбек ва тожик халқларининг севимли фарзанди. У 1908 йили муаллим оиласида туғилган. Отаси Мирзо Муҳаммад ҳаттотлик билан шуғулланган.

20-йилларда ёш Абулғани Шаҳрисабз район ижроия комитети умумий бўлим мудири, кейинчалик «Овози тожик» ва ўзбек тилидаги «Камбағал деҳқон» рўзномаларида махсус мухбир бўлди, қарийб уч йил Тожикистон АССР (ССР) Марказий Ижроия комитети аппаратида, сўнгра яна «Бедори точик», «Тожикистони сўрх» газеталари редакцияларида турли лавозимларда ишлади.

Республика халқ маорифи комиссариати А. Мирзоевни Ленинград давлат университети шарқшунослик факультетига ўқишга юборди. Профессор Е. Э. Бертельс А. Мирзоевнинг дастлабки илмий ишига юксак баҳо берди. У студентлигидаёқ тилшунос олим, деган юксак ном олди. Ўқишни битириб Тожикистон педагогика институтида тилшунослик фанидан ёшларга сабоқ берди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқининг Эрондаги элчихонасида референт сифатида хизмат қилди.

А. Мирзоев Тожикистон ССР Фанлар академиясида кичик илмий ходимликдан академиянинг Шарқшунослик институти директори лавозимигача кўтарилди. У 1946 йили М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида фан номзодлиги диссертациясини ёқлади. 1957 йил эса «Биноий» монографияси учун филология фанлари доктори деган илмий унвонни олди. Унинг бу монографиясида тожик ва ўзбек халқларининг қадимий анъанавий дўстлиги мадҳ этилганди.

Талантли олим бир қатор халқаро анжуманларда ҳам иштирок этган эди. Унинг илмий асарлари Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Франция ва бошқа мамлакатларда ҳам нашр этилди. Бемаврид ажал байналмилалчи олим ҳаётига чанг солди.

Яқинда Китоб районида академик А. Мирзоевнинг 80 йиллигига бағишлаб юбилей тантаналари ўтказилди. Бу ерга Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССРнинг таниқли олимлари, А. Мирзоевни яхши билган кишилар ташриф буюрдилар. Кўчма илмий-назарий конференция ташкил этилди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Эркин Юсупов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Фирдавсий номидаги халқаро мукофот лауреати Шоислом Шомуҳамедов, Ўзбекистон ССР халқ шоири Абдулла Орипов, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Ҳабибулло Саидмуродов, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти директори Акбар Турсунов, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ражаб Омонов, Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлими мудири Камол Айний, Рудакий номли Тил ва адабиёт институти директори Абдуқодир Маниёзов ва бошқалар Абдулғани Мирзоев ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти тўғрисида алоҳида тўхталдилар.

Варганза қишлоғидаги А. Мирзоев номли ўрта мактабда собиқ ўқувчи, таниқли олимга ўрнатилган бюстнинг очилиш маросими бўлди. Китобда ўтказилган академик А. Мирзоевнинг 80 йиллигига бағишланган тантаналарда Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби А. Отажонов қатнашди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШРИФ ТУГАДИ

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг таклифига мувофиқ мамлакатимизга амалий ташриф билан келган МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси П. Очирбат билан МХРП Марказий Комитетининг Раиси Г. Очирбат 15 май куни Москвадан ватанига жўнаб кетишди.

МХР ва СССР давлат байроқлари ўрнатилган «Шереметьево» аэропортида монголиялик меҳмонларни СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кузатиб қўйдилар.

(ТАСС).

• *Олим билан мулоқот*

ИСТЕЪДОДЛАР БОР

УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, КАМОЛ ТОПТИРИШ, ИМКОНИЯТЛАРИНИ РЎЕБГА ЧИҚАРИШ УЧУН МАБЛАҒ КЕРАК

Улуғбек номли Ўзбекистон республика фонди — истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳайрия фонди шу мақсадда тузилган эди. Янги фоннинг ҳамраисларидан бири, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий, инженер ва бошқарув кадрларини тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Тошкент машинасозлик конструкторлик бюросининг бош конструктори Ш. А. ВОҲИДОВ шу фоннинг вазифалари ва иши ҳақида сўзлаб берди:

— Биз кўпинча нима учун Ўзбекистонда буюк аллодларимиз билангина фахрлана оламиз, дея ажабланамиз. Ҳозир катта илмий ютуқларнинг камлигидан, жаҳонга машҳур олимларнинг йўқлигидан ҳайрон бўламиз. Ахир аслида, бизнинг заминимизда истеъдодли кишилар дунёга келишдан тўхтаб қолмаганку, бундай одамлар шаҳарларда ҳам, энг кичик қишлоқларда ҳам кўплаб топилади. Лекин уларни излаб топиш, уларга ўз қобилиятларини ривожлантиришда, билим олишда кўмаклашиш керак. Бизда узоқ ўн йилликлар мобайнида амал қилиб келинган қоида — ҳеч кимни ажратмай, «ҳаммага бирдек қараш» фан, маданият, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш соҳасига катта зарар етказди.

Бизнинг ҳайрия фондимизнинг вазифаси айни ана шу мустаҳкам амалиётга барҳам беришдан, истеъдодли ёшлар ижодий қобилиятларини устун даражада ривожлантириш учун қўшимча маблағ топишдан иборатдир. Тошкент машинасозлик конструкторлик бюроси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Математика институти, «Ниҳол» республика илмий маркази, «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, ТошДУ, ТошПИ — жами қарийб 80 та корхона, ташкилот, ўқув юрти ва кооператив ҳайрия фондимизнинг таъсисчилари бўлишди.

Ҳозир ташкил қилинаётган истеъдодли болалар «банк»и истеъдодларни аниқлашда бизга ёрдам беради. Бунинг учун компьютер техникасидан фойдаланяпмиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу йилги республика олимпиадалари якунларига кўра, ғолиб чиққан ва ўзини кўрсатган болалар тўғрисидаги барча маълумотлар «банк»га киритилди. Энди улар билан ишлаш, истеъдодли болалар учун республикада очилиши лозим бўлган махсус мактабларда қизиқишларига қараб уларнинг қобилиятларини ривожлантириш керак.

Ҳозир битта шундай мактаб бор, бу — Тошкентнинг Чилонзор районидаги ёш физиклар мактаб-интернатидир. Фонд Тошкент политехника институти билан бирга бу мактабни ўз оталиғига олди. Анча кенгроқ доирада ўқитиладиган бошқа бир мактаб 21-болалар уйи негизида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли собиқ боғ ҳовлида очилади. Биз Самарқандда, Улуғбекнинг машҳур расадхонаси ёнида ёш математиклар, физиклар ва астрономлар учун ҳам мактаб ташкил қилишни режалаштиряпмиз. Бундан ташқари Бўстонлиқ районида гуманитар йўналишдаги ўқув маркази ташкил қилмоқчимиз.

Ишлар республика барча областларида истеъдодли болалар учун мактаб-интернатлар ташкил қилиш ҳақида йўл-йўриқ берилган ҳукумат қарориги мувофиқ олиб борилмоқда. Фонд бу вазифани халқ таълими органлари ва жамоатчилик билан биргаликда амалга ошириш ниятида. Биз ёш истеъдодларни танлаб олиш ва уларнинг мамлакатимиздаги ва чет эллардаги етакчи илмий марказларда ўқишини пул билан таъминлашда ҳам иштирок этамиз.

Режаларимиз катта. Масалан, истеъдодли мактаб ўқувчилари ва студентлар учун Улуғбек номли стипендия таъсис этишни истардик. СССР Главкосмоси, мамлакатдаги етакчи илмий марказлар, бизга зарур ёрдамни беришга тайёр бўлган Бутуниттифоқ ва чет эл ҳайрия фондлари билан бу хусусда дастлабки тарзда келишиб олинган.

Лекин фақат ҳайрия маблағлари билангина кифояланиб қолмоқчи эмасмиз, **ўзимиз пул ишлаб топишнинг йўлларини қидирамиз.** Корхоналар, ташкилотларнинг ишлатилмаётган молия ресурсларини, айрим гражданларнинг ихтиёрий ҳайр-эҳсонларини, фонд программалари ва лойиҳаларини пул билан таъминлаш учун жалб этадиган ёшлар инновация банкини ташкил қилишни мўлжаллаяпмиз.

Фондимизга жуда катта ҳуқуқлар берилган. Бунинг учун республика ҳукуматидан миннатдормиз. Асосий умидимиз эса жамоатчиликдан, меҳнат коллективларидан, кўп миллатли республикамизнинг барча аҳолисидан — уларнинг бефарқ қолмаслигидан, ёш авлод тақдирига манфаатдорлик билан қарашидандир.

Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон республика фонди счёти: — 004700008 Тошкент шаҳар уй-жой-социал банки ОПУ. МФО 73427.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Дўстлик районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» боғдорчилик совхози коллективи аҳоли дастурхонига мўл мева узум етказиб бериш билан бирга чорвачиликни ҳам тобора ривожлантирмоқдалар. Айни кунларда улар қорамолларга кўк озуқа етказиб бермоқдалар. Бунда озуқачилик бригадаси аъзоларининг ҳиссаси катта. Уларнинг 25 гектар майдонга эккан кўк озуқалари ўриб олинмоқда. Айниқса, рапс тўйимли ва сершира озуқадир. Коллектив аъзолари ҳар гектар майдондан 300 центнердан кўк масса олиш йўлида астойдил тер тўкмоқдалар.

Суратларда: моҳир механизатор Суннат Тувалов ҳамда ўрим пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

СССР деҳқонлар уюшмасининг келажаги

Ташкилот комитетининг раҳбари, Иттифоқ колхозлар кенгашининг раиси И. И. Кухарь мамлакатда ташкил этилаётган СССР деҳқонлар уюшмасининг мақсадлари ва вазифалари ҳақида 15 май куни журналистлар билан учрашувда гапириб берди. Таъсис съездини 1990 йил 10-13 июнь кунлари Москвадаги «Россия» киноконцерт залида ўтказиш белгиланган. Вакиллик нормаси — бир-икки қишлоқ районидан бир делегат ҳамда деҳқон хўжаликлари ва ижарачилардан ташкилот комитети белгилаган нормага мувофиқ делегатлар бўлади. Ҳаммаси бўлиб 2168 киши қатнашади.

Уюшма низомини қабул қилиш, раҳбар органини сайлаш, шунингдек мамлакатда деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча ҳужжатларни тасдиқлаш мўлжалланмоқда.

СССР Деҳқонлар уюшмаси унга кирувчиларнинг касб-корини чекламайдиган очиқ ташкилот бўлиши қайд этилди. Унга жамоа тарзида ҳам, якка тарзда ҳам аъзолар қабул қилинади. Янги жамоат ташкилоти иттифоқ колхозлар кенгашининг ҳуқуқий вориси бўлиб қолади.

(ТАСС мухбири).

• *Мавзуга қайтиб*

ЯНА ҚЎЙЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА

Газетамизнинг шу йил 3 март сонида «Фарғонада қўйчилик истиқболи борми?» сарлавҳали мақола босилган эди. Ушбу мақола юзасидан редакцияга кўплаб хатлар келмоқда. Муаллифларни қўйларни Олойга ташишдан область бўйича атиги бир йил ичида салкам икки миллион сўм зарар кўрилиши ташвишга солмоқда. Шунинг учун ҳам улар бу соҳани ривожлантириш, кўрилаётган зарарни камайтириш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирганлар.

Мақолада айни долзарб масала кўтарилган, — деб ёзади Езёвон районидаги «Правда» совхозидан **Н. Ҳайдаров.** — Ҳақиқатан ҳам бир неча йиллардан бери фарғоналиклар қўйларини Чотқол ва Олой яйловларига олиб бориб боқадилар. Хўжалик биринчидан, яйловга пул тўлайди. Қўйларни ташиб боришга ҳам анчагина ишчи кучи, техника, маблағ сарфланади. Бунинг устига йўлларда қўйлар нобуд бўлади ёки қўли эгри одамлар уларни сотиб юборадилар.

Менинг назаримда хўжаликлар қанча қўй боқишга қурбилари етса, шунчасини олиб қолиб, қолганларини ижарага берсалар яхши бўларди. Масалан, мен қузда бозордан 300 сўмга иккита совлиқ олгандим. Иккаласи ҳам қўзилади. Ҳозир уларни бозорда камида 560 сўмга олади. Атиги 5—6 ой ичида икки совлиқдан 260 сўм фойда қоляпти. Агар совхоз менинг оиламга 20 та қўй берса, албатта ижарага олардим. Чунки Ўзбекистон Президентининг аҳоли шахсий молларини ем-хашак билан таъминлаш ҳақидаги Фармони якка хўжаликларда чорва молларини кўпайтириш учун катта имкониятлар яратиши шубҳасиз.

«Қўйларни Олой ва Чотқол тоғларига ҳайдашнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ. Ўзимизда ҳам боқса бўлади. Бунинг учун яйловларни кўпайтириш зарур. Тегирмонлардан чиқаётган кепакларни, пахта шелухаси ва қуннжарани аҳолига сотишни кўпайтириш керак. Ҳозир бу озуқаларнинг атиги 30 фоизини халққа сотишга рухсат этилган. Эсимда: бир вақтлар Намангандаги ёғ-мой заводи жойлашган кўчанинг икки томонида арзон нархда шелуха ва қуннжара сотиларди. Ҳозир эса уч ойга 100 килограмм шелуха, 50 килограмм аралаш озуқа берилмоқда. Агар озуқа кўп бўлса, мол боқишга имконият туғиларди, гўшт ва сутнинг бозор нархи ҳам арзонлашган бўларди». Бу сатрлар Наманган шаҳар, Қўқимбой кўчасида яшовчи **Н. Холиқов** мактубидан олинди.

— Қўйларни зудлик билан аҳолига тарқатиш керак, — дейди Уйчи районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси **Ҳ. Ҳожимирзаев.** — Хўжаликларда қўй боқиб, миллионлаб зарар кўришдан нима фойда? Шу ўринда бир мисол келтираман: мен ўн бир йил мобайнида қўйчилик фермасини бошқариб, бирон йил фойда кўрилганини эслай олмайман. Ҳозир пенсиядаман. Уйда 6 та қўй боқиб, йилига 1200 сўм даромад қиляпман. Шунинг учун қўйларни аҳолига ижарага берилиши тарафдориман.

Ушбу таклифни қўқонлик **М. Раҳимов,** Охунбобоев район Қўрғонча қишлоғида истиқомат қилувчи пенсионер **У. Тўхтасинов,** шу райондаги Эшонгузор қишлоғида яшовчи **М. Абдуллаев,** сурхондарёлик **Б. Бегимқулов** ва бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашган.

Чортоқ районидан чорвачилик бўйича мутахассис **С. Хўжаев** ва 9-мактабдан **К. Раҳимов** эса қуйидаги мазмунда хат йўллашибди.

«Районимиз хўжаликларида ўтган йили 12500 бош қўй-эчки бор эди. Шулардан 6536 бош кўзи олинди. 3936 бош қўй хўжаликларнинг ички эҳтиёжи учун сўйилди. 1957 таси эса давлатга гўштга топширилди. 1393 таси аҳолига сотилди. Демак, сарф қилинган қўйлар сони туғилган қўзиларга нисбатан 140 тага кўп. Район бўйича давлатга сотилган гўштнинг атиги 6 фоизини қўй гўшти ташкил қилади. Ҳар бир қўй ўртача 36 килограмм тош босди. Бир центнер гўшт таннархи 581 сўм 75 тийинга, жун эса 589 сўм 74 тийинга тушди. Умуман район бўйича қўйчиликдан 193 минг сўм зарар кўрилди.

Бундан 15—20 йиллар аввал яйлов вазифасини ўтаб келган қир-адирлар ўрнида «Чортоқ», «Фарғона», «Партия XXII съезди», «Ўзбекистон», Мичурин номли совхозлар ташкил этилди. Яйловлар экинзорларга айлантирилгани туфайли қўйларни қўраларга қамаб боқишга тўғри келди. Қирғизистон яйловларига қўй ҳайдаб боришнинг зарари эса мақолада айтилган. Бизнингча 10 бош қўй ўрнига 1 бош қорамол боққан маъқул. Агар хўжалик 15 минг қўй ўрнига 1500 бош мол боқса, сут плани ҳам, гўшт плани ҳам уддаланиши мумкин.

Мактублардан кўриниб турибдики, мақола одамларни бефарқ қолдирмаган. Улар фақат Фарғона областидагина эмас, балки бутун водий, ҳатто жумҳуриятимизда қўйчиликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирмоқдалар. Хўш, областдаги мутасадди раҳбарлар-чи? Вилоят агросаноат уюшмаси бошлиқлариچи? Мақола босилганига бир ярим ойдан ошганига қарамай улар ҳамон жим! Мақола юзасидан редакцияга жавоб хати йўллашгани йўқ.

• *Мутахассис шарҳи* •

Хўш, Фарғонада қўйчиликни ривожлантириш учун нима қилиш керак? Бу саволга Ўзбекистон ССР чорвачиликда наслчилик ишлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлими бошлиғи Р. С. НЕГМАТУЛЛИН қуйидагича жавоб берди:

Фарғонада қўйчилик истиқболи бор, — дейди Рустам Содиқович. — Фақат наслчилик ишларини яхшилаш керак. Жумҳуриятимизда асосан кўпроқ дағал жунли ва ярим дағал жунли думбали қўйлар боқиларди. Лекин кейинги йилларда жундор қўйларни кўпайтиришга берилиб кетилди. Ҳатто ҳисор қўйларини ҳам жунга ўрамоқчи бўлдилар. Оқибатда жун кўпайдию, гўшт-ёғ камайди. Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд областларида асоссиз равишда думбали қўйлар камайтирилиб, қоракўл қўйлар кўпайтирилди. Натижада қўйчилик тобора зарарли соҳага айланиб борди. Ҳозир фақат Тошкент ва Жиззах областларининг айрим районларидагина гўшт жун йўналишидаги қўйлар боқилмоқда.

Фарғона вилоятида эса Қувасой шаҳридаги Ильич номли совхозда область, район ва хўжалик мутахассислари Қирғизистон чорвачилик ва ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда ярим дағал жунли ва дағал жунли жайдари қўйларни урчитишни тажриба қилиб кўришди. Маълум бўлишича, олой зоти ўзининг насл хусусиятларини келгуси наслга тўла қолдирар экан.

Ўтказилган бу тажриба вилоятда ярим дағал жунли оқ қўйларни кўпайтириш имконини берди. Ҳозир областда 40 мингга яқин ана шундай қўйлар бор. Ҳар бир қўчқор 4, 6, ҳатто 9—11 килограмм, совлиқлар эса 2,6—2,8 баъзилари 4—5 килограмм жун беради. Қўчқорларнинг тирик вазни 95—101, совлиқларники эса 56—60 килограмм тош босади.

Демак, водийда наслчилик ишини тобора яхшилаб борниш керак экан. Жайдари, саража ва олой зотларини урчитиш яхши натижа бераётир. Шу мақсадда 1988 йилдан бери Ўш областидан водийдаги ҳар уч вилоятга йилига 300 бошдан олой зотли қўчқорлар келтириляпти. Шунингдек, бу вилоятларнинг қишлоқ хўжалик давлат кооператив комитетларига думбали қўйларни парвариш қилишда самарали технологик усулларни қўллаш тавсия этилди. Подадаги совлиқлар 70—75 фоизни ташкил этиши шарт. Агар қўйлар зоти йилдан-йилга яхшиланиб борса, икки қўйдан олинадиган маҳсулотни бир қўйдан олиш мумкин. Демак, яйловлар камайиб бораётган ҳозирги шароитда ҳам шу йўл билан юқори маҳсулдорликка эришса бўлади. Шундагина қўйчилик истиқболли соҳага айланади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ БЎЛИМИ.

• *Тил тўғрисидаги Қонун—амалда* •

БУРЧИМИЗ

Қайта қуриш шарофати туфайли жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Қонуннинг 4-моддасида баён қилинганидек, «Аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим». Шу билан бирга ўзбек тилини билмайдиган кишиларга жумҳуриятда давлат тилини бепул ўргатиш ва ўқитишни таъминлаш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон онкология ва радиология илмий-тадқиқот институтида бу иш қандай амалга ошириляпти? Аввало институтимиз директори Н. Муроджўжаев раҳбарлигида махсус комиссия давлат тилига ўтиш борасида иш олиб борялпти. Тиббий атамалар луғати, низомлар, турли илмий қўлланмаларни ўзбек тилидаги нусҳасини яратиш комиссия олдидаги юксак вазифалардандир. Институтдаги турли миллат вакилларидан иборат ходимларга давлат тили грамматикаси ва адабий тилни ўрганиш, иккинчи йили эса табобат соҳасидаги атамалар асосида турли ҳужжатларни тўлдириш, ёзув-чизув ишларини бажариш кўзда тутилган. Мен ва институтнинг бўлим мудири, биология фанлари номзоди Г. Назмиддинова машғулотни ўтишда асосан ўрта мактаблар учун ўзбек тили дарслиги қўл келяпти. Тиббий атамалардан ўзимиз тайёрлаган кўргазмали қуроллардан фойдаланяпмиз. Машғулотларни ўтиш жараёнида шу нарса зён бўлдики турли миллат вакилларидан иборат ходимларимиз ўзбек тилини билишса ҳам уялганларидан мулоқот қилиша олмай юришар экан.

Энди эса бир муаммони ўртага қўйишга тўғри келади. Тиббиёт институтларида ўқиётган маҳаллий миллат вакиллари учун рус тилидан махсус дарслик бор. Афсуски, тиббиёт соҳасида турли миллат вакиллари учун ўзбек тили дарслиги йўқ. Ўйлайманки, ана шундай дарсликни яратишнинг пайти келди.

Т. БОБОХЎЖАЕВ,
Узбекистон онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти қошидаги ўзбек тили курси муаллими, медицина фанлари номзоди.

Яшилликкда бўлгандан олдин

МИҚДОРДАН—СИФАТГА

— Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларини кўкаламзорлаштириш, боғлар ва узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни қайта тиклаш юзасидан ўтказилган баҳорги юмушларнинг натижаларини муҳокама қилишда сифат масаласи муҳим ўринни эгаллади. Тошкентда ўрмонлар ва боғлар барпо этиш юзасидан ўтказилган икки ойлик натижаларини кўриб чиқиш юзасидан штаб мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров олиб борди.

Сўзга чиққан кишилар аввалги йилларда кўпчиликни унча тўлқинлантирмаган муаммоларга катта эътибор беришди. Илгари: «Ўн миллионлаб туп дарахтларни ўтқазганимиз яхши бўлди», — дейишарди. Лекин қандай дарахтлар ўтқазилгани, уларни ким ва қандай парвариш қилиши иккинчи даражали иш эди. Бу гал ҳам кўп хўжаликлар, ташкилотлар ва идоралар шундай йўл тутишди.

Ўрмонлар ва боғлар барпо этиш икки ойлиги якунлари

Ўтган йилнинг кузи ва бу йилнинг баҳорида жумҳуриятимизда 120 миллион тупдан кўпроқ хилма-хил кўчатлар ўтқазилди. Афтидан, ёмон иш бўлгани йўқ — топшириқ 119,1 фоиз бажарилди. Бироқ миқдор кўрсаткичлари ортида бошқалари ҳам мавжуд: гўёки, боғлар ва токзорлар барпо этилган майдонлар борлиги аниқланди, аслида эса у ерда бутунлай бошқа экинлар ўсиб ётибди. Кўпгина раҳбарлар кўкаламзорлаштириш боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг экологик ва иқтисодий аҳамиятига етарли баҳо бермаяптилар. Тиклаш баҳонаси билан боғлар ва токзорларни кундаков қилиш давом этмоқда. Кўчатларни ҳисобга олиш, уларни парваришлаш кўнгилдагидек эмас. Штаб шунга асосланиб кампания натижаларини пухта таҳлил этишни мутахассисларга топширди. Жумҳурият раҳбариятига ана шу ишлар учун масъулиятни оширишга доир таклифлар билан мурожаат этишга қарор қилинди. Бу ишларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш жуда зарур.

(ЎзТАГ).

Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига

ХАЛҚҚА БАХШИДА ЮРАК

«Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ев қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ,
Мен халқимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман!

Ҳамид Олимжон қаламига мансуб бу сатрлар йил сайин тасдиқланиб келмоқда. Шоир ижоди ҳозир, у таваллуд топган куннинг саксон йиллигида ҳам халқ орасида машҳурдир. Шоир кўп миллатли совет шеъриятини Ватанга, унинг ўтмиши ва ҳозирига муҳаббат билан йўғрилган истеъдодли асарлари билан бойитди.

Бу ҳақда Ҳамид Олимжонга бағишланган мушоира кечасида гапирилди. «Баҳор» концерт зали саҳнасида мамлакатимизнинг турли регионларидан Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган шоирлар ва носирлар сўзга чиқдилар. Хитой Халқ Республикаси ёзувчилар ташкилоти ҳам Тошкентга ўз вакилларини юборди. Совет адабиётининг байналмиллаллиги рамзи сифатида турли тиллардаги шеърий сатрлар янгради.

Шоирнинг рафиқаси — шоира Зулфия ва Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом Ҳамид Олимжон тўғрисида ўз хотираларини сўзлаб беришди. Кеча сўнгида Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти бўлди.

Мазкур кеча — Ўзбекистон диёрида бошланган юбилей тантаналари кенг программасининг бир қисмидир. Бу тантаналар Ҳамид Олимжон қабрига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида бўлиб ўтган илмий конференция сўз устаси фаолиятининг турли томонлари билан таништирди. Ҳамид Олимжон ижодиёти тадқиқотчилари бўлган филологлар ва адабиётшунослар унинг истеъдоди серқирралилиги, кенг жамоатчилик ва маърифатпарварлик фаолияти тўғрисида гапирдилар.

— Ҳамид Олимжон ижоди ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирди, — деди филология фанлари номзоди Н. Каримов, — Ҳамид Олимжон мураккаб вақтда — Сталин диктатураси даврида яшаб, ижод қилди. Лекин у бизга ниҳоятда катта ижодий мерос — ҳайратланарли даражада мусаффо ва самимий лирик асарлар, драматургия, ёрқин публицистика намуналарини қолдирди. Унинг таржимонлик соҳасидаги улкан ишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Адиб ўзбек халқини рус ва чет эл классикасининг энг яхши намуналари, совет шоирларининг шеърлари билан таништирди.

Шоир атиги ўттиз беш йил умр кўрди. Лекин ҳатто ана шу қисқа умри давомида ҳам у ажойиб мерос қолдирди. Ҳозир унинг асарлари ўн жилдни ташкил этган. Лекин муҳлислар илгари маълум бўлмаган янги асарларни ўқишга муваффақ бўлишяпти. Чунончи, яқиндагина Ҳамид Олимжоннинг Беранже қўшиқларидан қилган таржималари топилди.

— Унинг таржималари матнгагина эмас, шу билан бирга оригиналдаги кайфият ва эмоционал қурилишга яқинлиги билан ҳайратланарлидир, — дейди филология фанлари доктори Нинель Владимирова. — Ҳ. Олимжоннинг таржима услубида ўзбек шеърият мактабининг энг яхши анъаналари сақланган. Пушкин ва Лермонтов, Гейне ва Маяковский, Светлов ва Симоновнинг, бошқа кўплаб муаллифларнинг асарларидан ўзбек тилига қилинган ажойиб таржималар чинакамига бебаҳо туҳфа бўлди.

Ҳозир юбилей тантаналари иштирокчилари Ҳамид Олимжоннинг ўқиш йиллари ўтган, истеъдоди шаклланган Самарқанд шаҳрига йўл олдилар. Область олий ўқув юртларида, мактабларида, корхоналарида, колхоз ва совхозларида адабий учрашувлар ва мушоиралар бўлади. Шоир ижодига бағишланган илмий конференция Самарқанд давлат университетида давом эттирилади. Шундан кейин юбилей тантаналари шоир туғилиб ўсган Жиззах шаҳрида бўлади.

Юбилей тантаналари Тошкент шаҳрида ниҳоясига етади.

П. БУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СЎЗ ЖИЛОЛАРИ

Ҳамид Олимжон таржимонлар авлодининг биринчи тўлқинига мансуб ижодкор. Бу тўлқин 20—30 йилларда юзага келди. Яъни, ижод билан шуғулланаётган қаламкашлар орасидан кейинчалик халқ эътирофига сазовор бўлган шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Улар кўплаб назм ва наср, жумладан бадиий таржиманинг ҳам юксак намуналарини яратдилар. Бу даврдаги ёрқин талантларнинг таржима маҳорати бадиий таржиманинг ягона мактабига асос солди. Булар Чўлпон ва Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек ва Шайхзода, Миртемир ва Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ҳам ана шулар сирасидан. Уларнинг таржима ижодлари ўзбек адабиёти тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан. Шунинг учун уларни жиддий ва атрофлича ўрганиш зарур.

Албатта, бу таржимонларнинг барчаси таржимачиликда ўз услубларига эга, аммо уларни яқинлаштириб турган жиҳатлар ҳам талайгина. Мисол учун, оригинални тушуниш муаммоси улар учун кун тартибида турган эмас. Яна шуниси қизиқки, бу мактаб вакилларининг миллий таржима анъаналари билан алоқалари кучли бўлган. Биз бу ўринда Хоразм таржима мактаби (XIV аср) ва йирик сўз устаси Огаҳий (XIX аср)нинг таржимачилик ижодини назарда тутяпмиз. Бу таржима мактаби учун бошқа кўплаб шарт-шароитлардан ташқари она тилини ривожлантириш ва такомиллаштиришга бўлган ҳаракат хос. Бу йўл XIV асрда юзага келиб, таржимачиларнинг маълум бир оқимлари томонидан бизнинг кунларгача сақлаб келинди.

Ҳ. Олимжоннинг Пушкин лирикаси, Михаил Светлов, Вера Инбер, Т. Шевченко, К. Симонов шеърларидан ўзига хос услубда қилинган таржималари уни хусусан ана шу таржима мактабига киритишга асос бўлади. Унинг, таъбир жоиз бўлса, таржимадаги «ижодий ҳамкорлиги» бу «таржима қилинаётган муаллиф руҳи»ни беришдан иборат эмас. Бу маълум тартиботлар, муайян таржима йўлидир. Хўш, Ҳ. Олимжон таржимасига хос асосий хусусият нимадан иборат? Бу, энг аввало, оригиналга тўла бадиий мувофиқликдир. Жонли таржимавий фикр — бу таржимачилик тартиботларининг мустаҳкам асосидир.

Шунга кўра, юқорида айтиб ўтилган таржима мактаби вакилларининг таржимачилик тартиботларини тадқиқ этиш, уларнинг ижодий услубларидаги мувофиқлик ва номувофиқликни аниқлаш билан шуғулланиш у қадар тўғри эмас. Ҳар қандай таржима асари хатоликлар, айрича таснифлардан холи эмас. Бу доимо бизда катта қизиқиш уйғотади. Бироқ биз учун таржимонлар асарни қайта тиклаш борасидаги адабий жараёнда қидирган ва топган таржимавий топилмалар ва таржимон маҳорати муҳимроқдир.

Ҳамид Олимжон рус адабиётидаги буюк новатор Пушкинни таржима қилди. Пушкинни Чўлпон, шунингдек Ойбек ҳам таржима қилган. Бу таржимонларнинг ғоят ранг-баранг Пушкин асарларини қайта яратишда ўз услублари мавжуд. Жумладан, Ҳамид Олимжоннинг ҳам.

Сизни севган эдим: қалбдаги олов
Сўниб битмагандир ҳали эҳтимол:
Ранжитмасин ленин сизни ушбу ҳол,
Қойитмайман асло ва бўлмайман ёв.
Сизни севган эдим: соқит, бенаво,
Жасоратсиз эдим, ғашта бедаво:
Сизни севган эдим, содиқ, вафодор,
Энди ҳақ айласин бошқага дилдор.

Я вас любил, любовь ёще, быт может,
В душе моей угасла не совсем,
Но пусть она вас больше не тревожит,
Я не хочу печалить вас ничем.
Я вас любил безмолвно, безнадежно,
То робостью,: то ревностью томим,
Я вас любил так искренно, так нежно,
Как дай вам бог любимой быт другим.

Бу таржимани аниқ чиққан деб айтиш кам, оригиналнинг айнан ўзидир. Шу билан бирга у табиийлиги, аслан бутлиги, ёрқинлиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Унинг «Чаадаевга»си «Сибирга хати»чи? Ё бўлмаса «Кавказ асири» шеърий қиссасини олинг. Бу таржималар шоир ижодий меросида муҳим ўрин тутади. Шоир овозидаги ўзига хос жилоларни ҳис этиш ва оригинал ҳақидаги чинакам таассурот уйғотиш учун бу ўринда ўзига яраша шоирона ва ижодий жасоратгина эмас, онгли равишда ўз-ўзини чеклаш-чегаралаш, зарур пайтда сомеъ лик йўлини тутиш ҳам талаб этилади. Таржимон Ҳамид Олимжоннинг бош ғояси — маъно, оҳанг, ифода ва мусиқавийликни аниқ ифодалаш. Булар ҳар бир таржимон кўнглидаги орзу, юқорида эслатиб ўтилган мактаб таржимонлари босиб ўтган йўлдир.

Бунда бош омил — асари таржима қилинаётган муаллифнинг шоирлик иқтидор кучини қайта тиклаш. Шунга кўра келтирилган таржимани оригинал билан солиштириб ўтиришга эҳтиёж йўқ — улар ёрқинлик ва мусиқийликнинг сеҳрли тажассумига айланган.

Бу фикрлар Ҳамид Олимжон Пушкин ва Лермонтовдан қилган («Бэла», Сув париси», «Кавказ асири») каби шеърий ва насрий таржималар, Михаил Светловдан ўзбекчага ўгирган «Гренада» шеърига ҳам тааллуқлидир. Мисол учун, «Гренада» таржимасида шоир, энг аввало, оригиналдаги фикр ва поэтикани унинг ўзига хос бадиий усуллар орқали беришга ҳаракат қилади. Шеъриятда фақат ички ва фақат ташқи гўзаллик бўлиши мумкин эмас. Қачонки, таржима ҳам шоирона идрок маҳсули сифатида юзага келса, у ҳеч қачон эскирмайди.

Кетди узоқ элларга
Булутларга адашиб,
Менинг ўртоғим кетди
Ўз қўшиғини ташиб.
Тингламади шундан сўнг
Севган, туққан элларим:
«Гренадам, Гренадам,
Гренадам менинг!»

Да. В дальнюю область,
В заоблачный плёс
Ушел мой приятель
И песню унес.
С тех пор не слыхали
Родные края:
«Гренада, Гренада,
Гренада моя!»

Таржимон тили ва шеър худди муаллифники сингари замонавий. Юқорида айтганимиздек, бу ерда ҳам муаллифнинг ўз услуби сезилиб турибди.

Ҳамид Олимжоннинг таржима асарлари талайгина. Уларнинг ҳаммаси ҳақида гапириш, бу шоирнинг таржимачилик ижоди, таржимончилик маҳоратини тадқиқ этиш демакдир. Бироқ Константин Симоновнинг «Мени кутгил» шеърига тўхтамай ўтиб бўлмайди. Шеър Улуғ Ватан уруши йилларида иттифоқимиздаги барча миллатлар тилига тушди, десак муболаға бўлмас. Жангчилар шеърни бир-бирларидан кўчириб, уйларига жўнатганлар. Ҳар бир аёл, келинчак шеърни шахсан ўзига бағишлаб ёзилган деб билган.

Жди меня, и я вернусь,
Только очень жди.
Жди, когда наводят грусть
Жёлтые дожди.
Жди, когда снега метут,
Жди, когда жара,
Жди, когда других не ждут
Позабыв вчера.

Бу сатрлар ўзбек тилида қуйидагича жаранглаган:

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил жуда интизор.
Кутгил ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил ёққанда қор...
... Қандай омон қолганлигимни
Ёлғиз сенга айтарман, сирдош,
Қуча олдинг мени сен фақат
Буюк эди сендаги бардош...

(Просто ты умела ждат, как никто другой)

Мусиқийлигига кўра ҳам, жарангига кўра ҳам, айтиш мумкинки, бошқача йўсинда яратилган таржима. Шунга қарамай, шеър руҳини чуқур ҳис этар эканмиз, бу оригиналнинг юксак бадиий ифодаси эканлигини тушунамиз. Аниқлик ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади — ҳар бир ибора, сўз ўз ўрнида, ифодада хиёл ўзгариш мавжуд. Бироқ таржимоннинг ўзи шоир, қилаётган ишининг устаси. Натижада шундай таассурот қоладики, гўё мўъжиза қопқаси очилади: худди ўша фикр, худди ўша мусиқа, худди ўша маъно ҳар икки тилда бирдек жаранглайди.

Шеърни худди мусиқа каби ё тушуниш, ёки тушунмаслик мумкин. Мусиқа каби шеърни ҳам тушунишни ўрганиш керак.

Юқорида келтирилган таржималар талай фазилатларидан ташқари яна бир хусусиятга эга: шеъриятни тушунишга, тинглашга, кўришга, шоирона сўз, шоирона образ, шоирона тилсимот оламини ҳис этишга ўргатади. Ҳамид Олимжоннинг таржимончилик ижоди ҳақида айнан шундай фикр билдириш мумкин.

Йиллар ўтмоқда, ҳаёт шиддат билан олға борар экан, олдимизга янги ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Баъзи муаммолар ўтмишга, муайян шахсларга, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларига тааллуқли. Улар — ўз даврининг болалари эдилар.

Нинель ВЛАДИМИРОВА,
филология фанлари доктори.



● Савдо шохобчалари пештахталаридаги сопол буюмларнинг турлари хилма-хил. Жилоларн кўзни олади. Улар уй хўжалигида жуда зарур. Уларга талаб ортиб бораётир. Бундай маҳсулотларни кимлар тайёрлайди?

Риштон районидаги сопол буюмлари заводи меҳнат аҳли элга манзур маҳсулотларни кўплаб тайёрлашга эришмоқдалар.

Суратларда: уста Ҳасанбой Олимов буюмга нақш чизмоқда; Ҳурматой Усарова эса пешқадам ишчи сифатида довруқ қозонган.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

УМИДБАХШ ҒАЛАБА

Биринчи лига командаларининг ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашлари тобора кескин тус олмоқда. Ҳар бир коллектив учрашувда қимматли очко олишга, тўплар нисбатини яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирча пешқадамлар сафида бораётган командалар билан ўйинлар жадвалининг ўрта бўғинларини эгаллаб турган коллективлар тўплаган очколардаги фарқ деярли кўп эмас. Шу боис, бирон команданинг ғалабаси ёки аксинча имкониятнинг бой бериши ўринларда катта ўзгаришларга сабаб бўляпти.

Навбатдаги тур ўйинлари бир неча кун давом этди. «Пахтакор» футболчилари билан «Қайрат» командаси ўйини Олмаотада ўтди. Мухлисларнинг диққат-эътибори ана шу учрашувда бўлди. Сирасини айтганда, меҳмонларнинг бу ўйинда ўзларини ўнглаб, мухлисларни мамнун этишларига ишонч кам эди. Зеро, ҳамиша бўлганидек, иккала команда ўртасидаги учрашув бу гал ҳам қизғин ва муросасиз бахсга айланди. Шивалаб турган ёмғирга қарамай, томонлар биринчи бўлиб ҳисобни очишга уриндилар.

Фақат учрашувнинг 27-минутида пахтакорчи И. Шквирин мавсумнинг моҳир тўпларидан эканини яна бир карра намойиш этди. Қайратчилар дарвозабони кучли зарбни ушлаб қололмади. Ҳисоб очилди. Пахтакорчилар бундан руҳланиб ҳужумкорликка яна зўр беришди. Майдон эгалари ҳам бўш келмай, ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилишди. Лекин томонларнинг ҳаракатлари зое кетди. Пахтакорчилар қарийб 63 минут мобайнида яна бир тўп билан ғалабани мустаҳкамлашга имкон топмаган бўлсаларда, ўз дарвозалари даҳлсизлигини таъминладилар. «Пахтакор» бу ғалаба билан мухлисларда умидворлик уйғотди. Очколарини 11 тага етказиб кучлилар сафидан жой олди.

Футбол

Реклама ва эълонлар

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар: агрохимия, ноорганик ва аналитик химия, ипакчилик ва тутчилик (2), социал-сиёсий тарих, генетика, ўсимликшунослик селекция ва уруғчилик, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси ва физиологияси, чорвачилик (2), сабзавотчилик (3), ўрмончилик ва ўрмон тансацияси (2), энтомология ва ўсимликларни интеграциялашган тарзда ҳимоя қилиш (3), фитопатология ва микробиология (2), сиёсий иқтисод, қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил этиш, молия ва бухгалтерлик ҳисоби, ҳарбий кафедра (граждан мудофаси);

катта ўқитувчилар: жисмоний тарбия (2), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши энергетикаси, рус тили (4), ўсимликлар физиологияси ва биохимия, иқтисодий кибернетика, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва планлаштириш, чет тиллар (рус тилини чет тили сифатида ўқитиш учун), хўжалик фаолияти таҳлили, молия ва бухгалтерлик ҳисоби, ҳарбий кафедра (граждан мудофааси);

ўқитувчилар: рус тили (2), ҳарбий кафедра (граждан мудофааси), ўзбек тили;

ассистентлар: ноорганик ва аналитик химия, умумтаълим фанлари (2), генетика, селекция ва уруғчилик, чорвачилик, мевачилик ва узумчилик, ўрмон мелиорацияси, энтомология ва ўсимликларни интеграциялашган тарзда ҳимоя қилиш, сиёсий иқтисод, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва меҳнатни муҳофаза этиш, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, ҳисоблаш техникаси ва информатика, ўсимликшунослик, агрохимия, фотопатология ва микробиология, молия ва бухгалтерлик ҳисоби:

Тажриба станцияси бўйича: **кичик илмий ходимлар** (3).

Муаммоли лаборатория бўйича: **кичик илмий ходим** (химия).

Конкурс муддати — 25 майгача.

Ҳужжатлар конкурс тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 183-почта бўлими, Тошкент қишлоқ хўжалик институти.

Г. С. ТИТОВ НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ ОЛИМПИЯ РЕЗЕРВЛАРИ БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

8-11 СИНФЛАРГА ВА 1 КУРСГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали спортчиларни, Совет Иттифоқи терма командаларига номзодларни тайёрлайди.

Мактабдаги ўзлаштириши бўйича ижобий баҳоларга спортда юқори кўрсаткичларга эга бўлган йигит-қизлар 8-11 синфларда ўқиш учун конкурс кўригида иштирок этишга қўйилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган СССР ва жумҳурият терма командаларига номзодлар 1 курсга (ўқиш икки йил) **қабул қилинадилар.**

Билим юртини спорт йўналишидаги ихтисослари қуйидагилардан иборат: эркин кураш, классик кураш, велосипед спорти (трекда пойга қилиш), спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастика, оғир атлетика, сузиш, ўқ отиш, енгил атлетика, қиличбозлик футбол.

8-синфдан бошлаб ўқувчилар спорт ва бадиий гимнастика, сузиш, велосипед спорти (трекда пойга қилиш) бўлимларига қабул қилинади. Спортнинг бошқа турларига 9-синфдан бошлаб қабул қилинади.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчилар спорт формаси ва овқатланиш билан, бошқа шаҳардан келганлар-ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртининг тўлиқ курсини битирганларга спорт бўйича тренер-ўқитувчи малакасини бериш билан бирга ўрта махсус маълумот олганлиги тўғрисидаги диплом ҳам берилади.

Билим юрти негизида 1990 йил 1-10 июнь кунлари абитуриентлар билан олдиндан суҳбат ўтказилади.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш — 1990 йилнинг 15-20 август кунлари ўтказилади.

Ўзингиз билан бирга спорт ташкилотининг йўлланмаси, саломатлигингиз тўғрисидаги тиббий ҳужжат, спорт формаси, малака дафтарчангизни олиб келишингиз лозим.

Конкурс кўригида иштирок этиш учун йўл кира, овқатланиш, жойлашиш билан боғлиқ харажатлар ота-оналар ҳисобидан бўлади.

Билим юрти маскани: 700173, Тошкент шаҳри, Ҳ. Турсунқулов кўчаси, 38-уй. Г. С. Титов номидаги Жумҳурият олимпия резервлар билим юрти. Телефонлар: 78-47-65, 78-38-14, 4 ва 9-трамвайларнинг «Кўрлар клуби». 13, 70, 116-автобусларнинг «Шошилинч ёрдам шифохонаси» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг матбуот гуруҳи хабар қилади:

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети коллегиясининг яқинда бўлган мажлисида жумҳуриятда уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ва бу курашни кучайтириш йўллари муҳокама қилинди.

Давлат хавфсизлиги идоралари СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисидаги» августгача ойи қарори ва мамлакат халқ депутатлари иккинчи Съезди қарорларига мувофиқ кўрган тадбирлари муайян ижобий самара берганлиги таъкидланди.

Чекистлар бир қанча корхоналар ва кооперативларда рўй берган ҳуқуққа зид ўринишларни очиб ташлашди ва уларнинг пайини қиркишди. Бу корхоналар ва кооперативларда кенгайиб бораётган ташқи иқтисодий алоқалардан мавжуд қонунларга чап бериб, буюмлар ва молларни олиб кетиш учун фойдаланишга уринишлар бўлган эди. Ўзбекистон ҳудудида иш олиб борган ўн саккизта босқинчилар гуруҳи аниқланди, улар жумҳуриятнинг Ички ишлар министрлиги органлари билан ўтказилган оператив чоратадбирлар натижасида зарарсизлантирилди. Талон-торож, товламачилик билан шуғулланган эллик нафардан кўпроқ киши жиноий жавобгарликка тортилди — ҳукм қилинди ёки ҳозирги вақтда улар тергов қилинмоқда. Жиноятчилардан кўплаб қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддалар, қора дори тортиб олинди.

Ўтган йилнинг декабрида ҳам бизнинг мамлакатимиз гражданлари, ҳам чет элликлардан иборат жиноятчи гуруҳ фаолиятининг пайи қирқилди. Улар чет эллардан компьютер техникасини сотиб олиш ва республика ҳудудида чайқов нархларида пуллаш билан шуғулланганлар.

Мажлисда содир қилинган жиноятларнинг кўпига сабаб бўлган қора дори ва нашанинг тарқалиши хавфли эканлиги таъкидланди. Жумҳурият давлат хавфсизлиги органлари фақат ўтган йили яширин йўл билан олиб келинган 30 килограммдан кўпроқ қора дорини мусодара қилдилар, жиноий йўл билан топилган икки миллион сўмликка яқин пул ва қимматбаҳо буюмлар давлат ҳисобига ўтказилди. Наркотик моддаларни яширин олиб келиш ва бу билан боғлиқ бошқа жиноий ишлар қилган айбдорлар турли жазо муддатларига ҳукм қилинди.

Айни вақтда коллегия мажлисида ва қабул қилинган қарорда жумҳурият давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятида янги, аммо ғоят муҳим бўлган бу йўналишни ривожлантиришдаги мавжуд камчиликларга жуда жиддий эътибор берилди. Жумладан, уюшган жиноятчиликка, порахўрликка, молларни яширин равишда олиб келиш ва ташиб кетишга, қора дори савдосини авж олдиришга қарши самарали кураш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистонда юзага келган муаммолар ҳали ҳам етарли даражада фаол ҳал этилмаяпти.

Коллегия ҳукумат қарорларини изчил амалга ошириш га қаратилган қўшимча тадбирларни белгилади. Фаол ҳаракат қилаётган уюшган жиноятчи тўдаларни ўз вақтида аниқлаш ва зудлик билан зарарсизлантиришга, жиноий ҳодисаларнинг, жумҳуриятга молиявий ва иқтисодий зарар етказишнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилди.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи ва И. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри жамоаси Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Толиповга опаси

Анора ОРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент машинасозлик институти раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмитаси институтнинг «Композицион ва полимерлар» бўлимининг ходимлари шу бўлимнинг лаборатория мудири, физика-математика фанлари номзоди

Баҳодир КАЛОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари, чорвачилик кафедрасининг доценти А. Қ. Амировга опаси

Халича АМИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иқтисод институти жамоаси катта илмий ходим М. С. Нигматовга опаси

Раъно Собиржоновна ҚОДИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04547. № 112. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12